

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВА ЯЙРАХОН ТЎХТАНАЗАРОВНА**

**ТИЛ ТАЪЛИМИДА МАТН ТАҲЛИЛИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРДА  
ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

УДК: 494.3:371 (07)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Умарова Яйрахон Тўхтаназаровна**

Тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни  
ривожлантириш ..... 3

**Умарова Яйрахон Тухтаназаровна**

Развитие прагматической компетенции учащихся в обучении языку  
посредством анализа текста..... 23

**Umarova Yayrakxon Tuxtanazarovna**

The development of students' pragmatic competence in language teaching through  
text analysis ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВА ЯЙРАХОН ТЎХТАНАЗАРОВНА**

**ТИЛ ТАЪЛИМИДА МАТН ТАҲЛИЛИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРДА  
ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1PhD/Ped 809 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.namdu.uz](http://www.namdu.uz) ҳамда “Ziynet” ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупова Шохида Жалолиддиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Усмонова Хуринисо Шараповна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ниёзметова Роза Хасановна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020. Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй, Тел.: (99869)227-07-61; факс: (998)69-227-01-44; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй, Тел.: (99869) 227-29-81;

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.М.Улуков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д, профессор

**У.Я.Кўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Ҳ.А.Жўраев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда илм-фан, техника, иқтисод соҳалари тараққиётининг жадаллашуви, ахборот тизимининг глобаллашуви, тезкор ахборот олиш, яратиш ва узатиш зарурияти боис бугунги кун ўқувчисидида лингвистик компетенцияларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш тил таълимининг бош устувор вазифасига айланди. Шу нуқтаи назардан она тили таълимида ўқувчиларнинг лингвистик, хусусан, тил ва нутқ бирликлари ҳамда ҳодисаларини англаш, тушуниш, таҳлил қилиш ва фаолиятда тўғри, мақсадли, аниқ қўллашга доир прагматик компетенцияларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Дунё тил таълими назариясида прагматик компетенция ахборотлар билан ишлаш, илм-фан, техника янгиликларидан хабардор бўлиш, фойдаланиш, миллий ва умуммаданий, имловий, ишоравий, услубий саводхонлик, нутқий фаоллик ва етуклик каби таълимий ҳамда лингвистик компетенциялар негизида уларнинг мажмуи сифатида юзага келиши эътироф этилган. Бу ўқувчиларда тинглаш, ўқиш, сўзлаш, ёзиш, тушуниш, англаш, қўллаш, баҳолаш каби лингвистик ва нутқий прагматик компетенцияларни бадий матнларнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик, услубий ва семантик таҳлили асосида шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган таълимий технологияларнинг илмий-методик такомиллига асос бўлади.

Жаҳон билан бўйлашаётган Ўзбекистон Республикаси таълим сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳам “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиш”<sup>1</sup>ларига қаратилган, жумладан, она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари олдида она тилини севадиган, қадрлайдиган, унинг бойлиги, гўзаллиги ва бетакрорлигини ҳис этадиган, лингвистик ва нутқий билим, малака ва кўникмалари ҳамда лаёқатлари етук ўқувчиларни тарбиялашдек муҳим вазифа қўйилган. Бу, албатта, бадий матнлар таҳлили асосида ўқувчиларда ҳаётий эҳтиёжга айланган прагматик компетенцияларни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари тадқиқи долзарб эканлигини кўрсатади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонидаги таълим соҳасига оид бандлар ижросини таъминлашда, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонида таъкидланган кўрсатмасини таълим амалиётига татбиқ этишда<sup>2</sup>, шунингдек, мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”нинг тўртинчисини ҳаётга жорий

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.146.

<sup>2</sup> “Ўзбекистон Республикаси халқ таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони. 2019, 29 апрель // lex.uz/docs/3412785.

қилишда<sup>1</sup> ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий давлатлар олимлари J.Culler, S.Kanngisser, G.Leech, Н.Р.Gricеларнинг илмий изланишларида прагмалингвистика муаммолари, хусусан, сўзларнинг матндаги маъноларини аниқлаш ҳамда коммуникатив компетентликни шакллантиришнинг ижтимоий-маданий, психологик ва лингвистик жиҳатлари очиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Э.С.Азнаурова, Л.М.Васильев, А.И.Власенков, Т.Б.Дудина, И.А.Зимняя, Л.Г.Лузина, В.Н.Маров, В.Мясников, О.И.Окуловский, М.А.Паутова, Г.Г.Почепцов, Г.Г.Чанышевларнинг илмий тадқиқотларида эса ўқувчиларда компетентликни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик, интеграл-педагогик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Она тили ўқитишнинг мазмуни, интеграцияли таълим орқали ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш ҳамда матн устида ишлашга доир А.Ғуломов, А.Нурмонов, А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев, Қ.Ҳусанбоева, М.Мирқосимова, Ш.Юсупова, Н.Улуқов, М.Абдураимова, Т.Зиядова, Р.Сафарова, Э.Қиличев, Б.Йўлдошев, Х.Мухитдинова, В.Қодиров, Х.Қурбоновларнинг илмий тадқиқотлари яратилган бўлса-да, бироқ тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш асосида уларнинг оғзаки ва ёзма саводхонлик, нотикликка доир малака ва кўникмаларни, тил ва нутққа оид билимларини бойитиш, ривожлантириш, такомиллаштириш муаммоси монографик жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўқитишда компетенциявий ёндашув: муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантиришнинг метод ва усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилар белгиланган:

умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар тил компетентлигининг жорий ҳолатини ёритиб бериш;

тил таълимида прагматик компетенциянинг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

бадий матнлардаги фонетик, лексик бирликларни таҳлил қилиш орқали ўқувчилар прагматик компетенциясини ўстириш йўллари такомиллаштириш;

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус // <https://www.gazeta.uz/oz/2019/04/03/5-tashabbus/>

бадий матнлар грамматик бирликлари таҳлили прагматик компетенциясини ривожлантириш омили эканлигини асослаш;  
матнларнинг услубий таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни такомиллаштириш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумтаълим мактабларидаги она тили дарсларида ўқувчиларнинг прагматик компетенциясини ривожлантириш жараёни белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш, илмий хулосаларга келишда назарий-мантқиқий таҳлил, лексик-семантик таҳлил, услубий таҳлил, прагматик таҳлил, структурал таҳлил, математик-статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, коммуникатив-функционал таҳлил, суҳбат методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бадий матнларнинг фонетик-фонологик таҳлили асосида ўқувчиларнинг фонема ва товушнинг боғлиқлик, алоқадорлик моҳиятини, нутқ товушларига хос модалликни англаш ҳамда нутқий фаолиятда қўллаш, яъни поэтик фонетикага доир прагматик компетенцияларини ривожлантириш тизими такомиллаштирилган;

тилнинг лексик бирликларини контекстуал таҳлили асосида ўқувчиларда прагматик интуицияни шакллантириш ва нутқий компетентликни англаш, ривожлантириш технологиялари такомиллаштирилган;

бадий матндаги морфологик, синтактик бирликлар таҳлили асосида ўқувчиларда грамматик шакл ва грамматик маъно уйғунлигини англаш, нутқий вазиятларни ҳис қилиш (ижтимоий маркер, социумнинг коммуникатив компетентлиги) каби малакаларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари аниқлаштирилган;

ўқувчиларда матн турларини, жумладан, медиа-матнларнинг лисоний таҳлили асосида тил бирликларини коммуникатив мақсад ва нутқий вазиятга муносиб қўлланишини англаш, тушуниш ва ижодий баҳолашга доир прагматик компетенцияни шакллантириш методикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

она тили таълимида ўқувчиларда прагматик қобилиятни шакллантириш ҳолати таҳлил қилиниб, поэтик фонетикага доир прагматик компетенцияларини ривожлантиришнинг дидактик механизми ишлаб чиқилган ва бу борадаги типик хато ва камчиликларнинг олдини олиш бўйича илмий ва методик тавсиялар берилган;

компетенциявийликка асосланган тил таълими жараёнида ўқувчиларда прагматик компетенциялар эгалланишига мўлжалланган машқлар ишлаб чиқилиб, тилнинг лексик бирликларини контекстуал таҳлил қилиш орқали ўқувчиларда прагматик интуицияни ва нутқий компетентликни ривожлантириш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактаблари дастурига кўра ўқитилаётган тил сатҳларини прагматик асосда ўрганишнинг амалий томонлари кўрсатилиб, бадий матндаги грамматик бирликлар таҳлили асосида ўқувчиларда нутқий вазиятларни ҳис қилиш лаёқатини ривожлантиришнинг методик асослари белгилаб берилган;

она тили ва адабиёти фанларини ўқитишга интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда турли характердаги матнларнинг лисоний таҳлили воситасида

тил бирликларини коммуникатив мақсадга кўра англаш, қўллаш ва ижодий баҳолашга доир прагматик компетенцияни такомиллаштириш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** билиш назариясининг диалектик методи, тил ва нутқ ҳодисаларини тизимли ўрганиш технологияси, Ўзбекистон Республикаси, хориждаги педагог ва психолог олимларининг илмий-назарий ғояларига асосланганлиги, бир-бирини узлуксиз тўлдириб боровчи виртуал усуллар қўлланилганлиги, тилни тизимли ўрганиш, прагматикага асосланган нутқий коммуникатив компетенцияни такомиллаштириш механизми яратилганлиги, тадқиқотда олға сурилган илмий ғоянинг тажриба-синовда ижобий натижа берганлиги, олинган натижанинг математик-статистик таҳлил методи асосида умумлаштирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадиий матнларнинг фонетик-фонологик, лексик-семантик, морфологик, синтактик, услубий таҳлили орқали ўқувчиларнинг тил сатҳларига доир лингвистик ва нутқий прагматик компетенцияларини ривожлантириш мазмун-моҳияти очиқ берилганлиги, илмий-методик асоси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти она тили таълимида бадиий матнларнинг лингвистик таҳлили асосида ўқувчиларнинг тил ва нутқ бирликлари ҳамда ҳодисаларига доир прагматик компетенцияларини ривожлантиришнинг принцип, шакл ва усулларини такомиллаштиришга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш бўйича эришилган илмий натижаларидан:

бадиий асарлар матнидаги морфологик, синтактик бирликлар таҳлили воситасида грамматик шакл ва грамматик маъно уйғунлигини таъминлаган ҳолда, ўқувчиларда нутқий вазиятларни ҳис қилиш (ижтимоий маркер, социумнинг коммуникатив компетентлиги) лаёқати, ўқиш ва матнни тушуниш структураси асосида такомиллаштириш ҳақидаги мулоҳазалардан “ИТД-1-57. Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги №89-03-925-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг турли шакл ва мазмундаги матнларга прагматик нуқтаи назардан ёндашиш компетенцияси ривожланган;

турли тил услубларига мансуб жумла, ифода, матнларни ўрганиш орқали тил сатҳлари бўйича бирликларни мақсад ва вазиятга кўра ўз ўрнида ишлатиши (прагматик компетенция, медиа-матнларни таҳлил қилиш, танқидий англаш ва яратиш) ўқувчиларнинг когнитив мобиллиги интенсивлигини таъминлаш орқали шакллантириш, бадиий асар таҳлили шахс фаоллигини оширишга хизмат қилиш билан биргаликда маънавий бегоналашувнинг олдини олиш усул ва воситалари экани ҳақидаги илмий-назарий қарашлар ОТ-Ф1-17 “Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини оширишнинг ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш” номли лойиҳа мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги №89-03-925-сон



маълумотномаси). Натижада ўқувчи ва талабаларнинг нутқий вазиятларни хис қилиш ва яратишга доир прагматик қобилиятлари ривожлантирилган;

тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларнинг прагматик компетенциясини ривожлантиришга доир илмий ютуқ ва хулосалардан Туркия Республикаси Гази университети ва Анкара Хажи Байрам Вали университети адабиёт факультети турк тили ва адабиёти бўлимида тилшунослик фанларини ўқитишда фойдаланилган (Туркия Республикаси Гази университети ва Анкара Хажи Байрам Вали университети турк тили ва адабиёти бўлимининг 2019 йил 16 апрелдаги а-112-сонли маълумотномаси). Натижада университет талабаларининг тил бирликларини прагматик асосда идрок этиш компетенциялари ривожлантирилган, тил сезгиларини оширишда сезиларли натижаларга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалар 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, шундан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги аниқланган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчи тил компетентлиги тизимида прагматик компетенциянинг ўрни”** номли биринчи бобининг дастлабки **“Умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар тил компетентлигининг жорий ҳолати таҳлили”** номли фаслида, аввало, компетенция, компетентлик атамаси ҳамда тушунчалари тил ўқитиш методикаси нуктаи назаридан ёритилган. А.Нурмонов ва Г.Зиёдуллаевалар томонидан компетенциявий таълим концепцияси тил таълими олдида ўқувчиларда нутқий, лингвистик, креатив ва прагматик компетенцияларни шакллантиришни кўзлаши қайд этилган. Уларнинг фикрича, “тил компетенциясига психологик нуктаи назаридан икки асосий таркибий қисмдан ташкил топган система сифатида қаралади. Улардан биринчиси шахснинг алоқа-аралашув ва фаолият жараёнида тўплаган нутқий тажриба маълумотлари; иккинчиси таълим

муассасаларида махсус ўқитиш жараёнида олган тил ҳақидаги билимлари”<sup>1</sup>. Дунё миқёсида алоҳида эътироф топган рус психологи Л.С Виготский буни 1) спонтан ва 2) махсус ташкил қилинган шакллар сифатида номлаган. Айни пайтда улар таълим муассасаларидаги дастурий тарзда бериладиган тил ҳақидаги билимлар учун “хамиртуруш” вазифасини ўтайди. Компетенциянинг бу икки томони узвий боғлиқликдаги бир бутунликни ҳосил қилса, талаб даражасидаги нутқ лаёқати юзага келади. Ўқувчининг нутқ компетенцияси нотаниш матнни мазмун-моҳиятига ифодали ўқий олиш, бошқалар фикрини ва танишган матн мазмунини тушуниш, қайта оғзаки баён қила олиш, ўз фикрини ёзма равишда изчил ифодалашда намоён бўлади. Бунинг учун ўқувчи тилнинг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик сатҳларига хос бирликлар ҳақидаги назарий билимларнинг ўзлаштириши, улардан нутқий вазиятларга мувофиқ ўринли фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши керак. Фаслда ўқувчиларнинг нутқий компетенциясини баҳолашда уларнинг нутқини қуйидаги турларга ажратиш асосида ёндашув тавсия этилди (1.1.1-жадвалга қаранг):

### 1.1.1-жадвал

№	Баҳолаш даражалари	Баҳолаш даражаларини белгиловчи мезонлар	Баҳо
1	Саёз нутқ	Ўқувчи ёшига нисбатан етарли сўз захирасига эга бўлмайди. Фикрини баён этишда қийналади, сатҳлар бўйича тил қоидаларига риоя қилишда ва мувофиқ услуб танлашда хатоларга йўл қўяди. Услубга мос лексик ва бошқа тил бирликларини ўринли қўллай олмайди, кўп ҳолларда уларнинг мувофиқ муқобилини танлашда янглишади.	“қониқар сиз”
2	Ўртача нутқ	Ўқувчи ёшига нисбатан сўз захирасида етишмовчилик сезилади. Мавзу ва мақсаддан келиб чиқиб, фикрини баён этади, бироқ сўзлаш давомида зўриқади, кичик нутқий тўхталишлар кузатилади. Тил қоидаларига риоя қилишда янглишади, услуб танлашда иккиланади. Услубга мос лексик ва бошқа тил бирликларини танласа-да, изчил қўллай олмайди.	“қониқар ли”
3	Яхши нутқ	Ўқувчи ёшига нисбатан етарли сўз захирасига эга бўлиб, мавзу ва мақсаддан келиб чиқиб, ўз фикрини баён этишга ҳаракат қилади. Тил қоидаларига риоя қилади, услубни тўғри танлай билади, лекин жузъий камчиликларга йўл қўяди. Услубга мос лексик ва бошқа тил бирликларини қўллай олади, айрим ҳолларда уларнинг мувофиқ муқобилини танлашда иккиланади ёки янглишади.	“яхши”
4	Равон нутқ	Ўқувчи ёшига мувофиқ тарзда бой сўз захирасига эга бўлади. Мавзу ва мақсаддан келиб чиқиб, ўз фикрини равон, изчил баён эта олади ва тил қоидаларига риоя қилган ҳолда, мувофиқ услубни тўғри танлай билади. Услубга мос лексик ва бошқа тил бирликларини тўғри қўллайди.	“аъло”

<sup>1</sup> Нурмонов А., Зиёдуллаева Г. Ўқувчиларнинг тил компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари // Маърифат, 2014, 18 июль. – Б.9.

Тил таълимининг амалиёти, жараёни ва натижаси таҳлил қилиниб, ўқувчилар нутқий компетенцияси етарли даражада шакллантирилмаётгани таъкидланиб, бунинг сабаблари аниқ мисоллар билан кўрсатилиб берилган.

Лингвистик компетенция – ижтимоий ҳодиса ва белгилар системаси сифатида тил ҳақида, тилнинг қурилиши ва функцияланиши ҳақида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаси ҳамда булардан турли вазиятларда фойдаланиш маҳорати. Ушбу компетенция махсус дастур асосида ўқитиш орқали ўқувчиларнинг тил сатҳлари бўйича назарий маълумотларга эга бўлиб, улардан ёзма ва оғзаки нутқ амалиётида фойдаланиш тажрибаси, кўникма ва малакалари дейиш мумкин. Кузатишлардан амалиётда бу компетенцияни шакллантиришда оқсоқликлар мавжудлиги аниқланди.

Сўзловчининг тилнинг турли сатҳ бирликларидан нутқий вазиятларда ўринли фойдаланиш маҳорати, фикрини образли ифодалашда, ноодатий усулларни қўллаш олиш кўникмасига эга бўлиши лингвистик креативликдир. Бу вазифани адо этиш учун она тили дарсларида кузатиш, изланиш, алоҳидаликни шарҳлаш, умумийликни топиш, фарқларни аниқлаш, қиёслаш, таснифлаш, хулоса чиқариш, алоқадорликни очиш, амалда қўллаш каби ўн босқичли мустақил, ижодий фикрлаш машқлари тизимли равишда бажарилиши аҳамиятли. Шунингдек, лисоний структурани билган ҳолда у билан боғлиқ билимлардан ўринли фойдалана олмайдиган инсон учун бу билимларни ўзлаштирганидан ҳеч бир фойда ва самара бўлмаслигига урғу берилади. Бундай ўринларда вақт ва меҳнатнинг натижасиз сарфлангани ачинарлидир. Мазкур муаммонинг ечими билан прагмалингвистика шуғулланади.

Бобнинг **“Компетенциявийликка асосланган тил таълимида прагматик компетенцияни шакллантиришнинг асослари”** номли иккинчи фаслида она тили фанига оид умумий компетенциялар шаклланишида прагматик лаёқатнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Коммуникация жараёнида прагматик лаёқат муҳим саналади, киши ҳаётининг ҳар куни, ҳар соат ва дақиқасида киришиладиган мулоқотнинг муҳити, коммуникатив ва мақсадига кўра энг самарали муқобил вариантини топа билиш, тил воситаларидан унумли фойдалана олиш каби талаблар кўндаланг туради. Прагматик коммуникатив компетенция, аввало, ўқувчилар онгида сўз (тил, мулоқот)нинг ана шундай имконияти, кучи ва оқибати ҳақида тасаввурни шакллантиришдир. Прагматик коммуникатив компетенция, шунингдек, ўқувчиларга мулоқот муҳитини ҳис қилиш, улардаги ўзлари муваққат дохил бўлиб турган бу муҳит талаб қиладиган услубни тўғри танлай билиш малакасидир. Бу малака фақат махсус ташкил қилинган таълим шаклларидагина эмас, айти пайтда кўпроқ спонтан таълим муҳитида шаклланади. Ўқувчилар жамият ҳаётини кузатар эканлар, коммуникатив вазиятларга кўра у ёки бу социумнинг ижтимоий роли ўзгариши билан нутқи ҳам мувофиқ тарзда ўзгачалик касб этишига гувоҳ бўладилар.

Тилга оид умумий компетенциялардан бири ахборотлар билан ишлаш компетенцияси бўлиб, у медиа манбалардан зарур маълумотларни излаб топиш, қайта ишлаш, улардан самарали фойдаланиш, медиа мулоқот лаёқатини шакллантиришни назарда тутати. Ушбу компетенциянинг прагматикаси медиа-таълимни йўлга қўйиш ва медиа-маданиятни тарбиялаш орқали шакллантирилади. Бу икки омил шахснинг оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, кино, матбуот, интернет матбуоти в.б.) орқали ривожланишини таъминлайди. Мутахассислар бунда қуйидагиларга алоҳида қиймат берадилар: 1. Медиа-матнларни таҳлил қилиш, танқидий англаш ва яратиш. 2. Медиа-маҳсулотларнинг манбаларини (сиёсий, иқтисодий, маданий) топиш, хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг асл мазмун-моҳиятини ўрганиш. 3. Медиа-маҳсулотни тушуниш. 4. Шахсий медиа-маҳсулотларни яратиш, тарқатиш ва уларга қизиқадиган аудиторияга эга бўлиш. 5. Ўрганиш ҳамда яратилган маҳсулотнинг ҳаёт тарзини аниқлаш<sup>1</sup>. Бу компетенцияда прагматикани шакллантиришга алоқадор миқдор, сифат, мавзуга оидлик, муомала тарзи тамойиллари тўғрисида тушунча берилган.

Умумий компетенциялар доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўқиб-ўрганиш компетенциясини эгаллашни назарда тутати. Бу компетенцияда ўқувчиларнинг овоз тембри, акустика, сўзлаш интонацияси каби ўзининг физиологик имкониятлари устида ишлашлари, уларни такомиллаштиришлари ҳамда вақти келганда, улардан унумли ва ўринли фойдаланишлари тарзида тушуниш ва тушунтириш мумкин. Она тилига оид қўшимча маълумотлар, ўз тилининг имкониятлари ҳақида кенгроқ тушунча берувчи китобларни мустақил ўқиб, ўрганиш орқали маънавий, руҳий юксалиш кузатилади. Ўқувчи кўз ўнгида тилга тааллуқли ўзининг жисмоний (физиологик) имкониятларининг кашф этилиши, маънавий-руҳий такомилга йўналтирган қўшимча билим, маълумотлар унинг интеллектуал ва креатив камолотига ҳам туртки беради, охир-оқибат эркин фикрловчи, ҳаётий вазиятларда мустақил қарорлар қабул қила оладиган (яъни прагматик қобилиятга эга) шахс тарбиясига йўл очади.

Умумий таянч компетенциялар сирасидаги ижтимоий фаоллик компетенцияси ўзи яшаётган жамият муаммоларига дахлдорлик, фуқаролик бурчи ва ҳуқуқларини билиш, уларга риоя қилиш, ижтимоий мулоқот ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати. Она тили предмети нуқтаи назаридан жамият муаммоларига дахлдорлик она тилининг ижтимоий нуфузи муаммоларига эътиборли бўлиш, унинг жамиятда ўзига мос юқори мавқеда ўрин тутишига жонкуярлик туйғуси билан яшашдир.

Миллий ва умуммаданий компетенция ҳам умумий таянч компетенцияларидан бири бўлиб, у ватанга садоқатли, инсонга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

<sup>1</sup> <http://uz.infocom.uz/2015/12/14/media-ta'limning-asosiy-tushunchalari>.

Прагматик аспектда қараладиган бу сифатларнинг ботиний жиҳати бевосита она тилига муносабат билан боғлиқдир. Инсонга берилган тил неъматини умуминсоний қадрият, Навоий таъбири билан айтганда, “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин”<sup>1</sup>. Ана шу буюк қадриятнинг қадрига етиш шукроналик билан яшашга ундайди. Она тили эса миллий қадрият бўлиб, миллий ўзликимиз асосини ташкил этади. Унга энг олий эҳтиром эътиқодида бўлиш миллий ва умуммаданий компетенция негизини ташкил қилади. Кишининг бадиий адабиёт ва санъатни тушуниши ҳам она тили имконияти, қудрати ва нафосатини ҳис этиш даражасига маълум даражада боғлиқлиги кундай равшан.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий режа туза олиш, диаграмма, чизма ва моделларни англаш, фанга оид инновацион технологиялардан фойдаланиш лаёқатини шакллантиришни назарда тутаяди. Она тили фанига татбиқ этсак, ўқувчилар гап бўлақларини, уларнинг остига тегишли чизиқлар билан белгилашни ўзлаштиргандан сўнг гаплар моделини шу чизмалар орқали ифодалашни ўрганадилар. Тажрибаларда 5-синфдан бошлаб ўқувчилар турли хил гаплар моделини шу чизмаларда ҳеч қийинчиликсиз англай олишлари кузатилди. Айтиш пайтда ўзлари ҳам турли вариантларда моделлар яратиш, ўзаро алмашган ҳолда уларни моддийлаштирган ҳолда жумлалар тузадилар. “Синтаксис” бўлими тизимли (8-9-синфларда) ўрганилар экан, синтактик бирликларни моделлаштириш бир мунча мураккаблик касб этади ва кўпроқ ўқувчиларга изоҳлаш, таъриф, тавсифлаш топшириқларини беришни тақозо этади.

Ишнинг иккинчи боби **“Бадиий матнларнинг тил хусусиятлари таҳлили асосида ўқувчилар прагматик компетенциясини ривожлантириш”** деб номланади ва у уч фаслни ўз ичига олади. Биринчи фаслда **“Бадиий матнлардаги фонетик, лексик бирликларни таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг прагматик компетенциясини ўстириш”** тарзида муаммо қўйилган ҳамда она тили ва адабиёт фанлари интеграциясини йўлга қўйиш орқали мақсадга эришиш йўллари тадқиқ қилинган. Масалан, 5-синф адабиёт дарслигида берилган Ойбекнинг **“Фанорчи ота”** ҳикоясидан олинган қуйидаги парча орқали ўқувчиларнинг фонетикага доир билимларини бўлимдан мавзуларнинг ўзлаштирилганлик даражаси, амалий қўллай олиш кўникмалари ўрганилади, айтиш пайтда, бу билим ва кўникмалар мустаҳкамланади: **“Тор, қийшиқ қўчанинг ўксуз окшомини Турсункул аканинг чурук дарвозаси тепасида ўтқазилган бир фанорнинг титрак нурларигина ёритар эди. Уни ҳар кун кечқурун паст бўйли, бурушиқ юзли бир чол келиб, ёқиб кетар эди. ... Фанорни ёққач, ерга тушиб, обкашдек букилган елкасига нарвончасини қўйиб, бирпасда кўздан йўқолар эди”**<sup>2</sup>. Ушбу парчадаги ўксуз, чурук, паст, бурушиқ, букилган сўзлари фонетика бўлимидаги тўрт мавзуга алоқадор қоидаларни билиш ва уларни амалий қўллай олишни талаб қилади. Тажиба-синов давомида ўқувчиларда

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. Мукамал асарлар тўплами (МАТ). 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 3.

<sup>2</sup> Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. 5-sinf, 2-qism. – Toshkent: Sharq, 2015. – B.8.

сўзларни турли диалектал, фонетик ва имловий вариантларда хато қўллашлари кузатилди (2.1.1-жадвалга қаранг):

### 2.1.1-жадвал

Матндаги сўз	Ўқувчилар йўл қўйган хатолар
Ўксуз	ўксеус // ўксис // ўксиз
Чурук	чурик // чуруг
Паст	пас
Бурушиқ	буришиқ // бурушук
Букилган	букулган

Ушбу сўзлар устида ишлаш қуйидаги босқичларда кечиши мақсадга мувофиқ:

1. Олинган парча ўқувчиларга диктант тарзида ёздирилади ва йўл қўйилган хатолар аниқланиб, ажратиб кўрсатилади.

2. Хато ёзилган сўзлар тўлақонли ўзлаштирилиши ва ўқувчилар сўз бойлигидан жой олиши учун уларнинг маъноси шарҳланади, ўрни билан синонимлари ёки антонимлари келтирилади.

3. Ҳар бир сўз воситасида ўқувчилар мустақил янги жумлалар тузадилар, сўзларнинг талаффузи ва имлосига тааллуқли қоидаларни изоҳлайдилар.

Ўқувчилар таълим олишнинг кейинги даврида (кейинги машғулот, чорак, синфларда) ушбу сўзларни ўрни билан қўллай боришни одат қиладилар.

Усмон Носирнинг “Оқ ювиб, оқ тараб...” шеъри изчил, ижодий фикрлашга чорловчи саволлар воситасида таҳлил қилинади, ўқувчиларнинг контекстуал прагматик таҳлил қилиш қобилияти шакллантирилади. Савол-жавоб воситасида сарлавҳанинг прагматик маъноси ёритилади: отасидан гўдаклигидаёқ айрилган шоир етимлик доғини билинтирмай ардоқ билан ўстирган, емай едирган ва киймай кийдирган онасини Самарқанддан йўқлаб ёзган шеърий мактубига “оқ” сўзининг кўчма семаларига асосланиб, “Оқ ювиб, оқ тараб...” номли сарлавҳа қўйган. Айти пайтда аташ маъносига кўра маънодоши бўлмаган “оқ”нинг кўчма маънода икки ва ундан ортик маънодоши юзага келганлигига ўқувчиларнинг эътиборини қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сарлавҳа устида қилинган ушбу кичик “тадқиқот” шеър матни билан ишлаш стратегиясини белгилаб беради ва ўқувчилар поэтик юк ташиётган сўзлар билан ишлаш ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Ишлашни осонлаштириш учун 2.1.2-жадвал тавсия этилди:

### 2.1.2-жадвал

Сўзлар	Ғариб	Заҳар	Қаҳр	Наҳор	Япроқ	Қон	Баҳор
Аташ маъноси							
Омоними							
Синоними							
Антоними							
Матнда қўлланган маъноси							

Ўқувчилар айнан бу жадвални чизиб, уни тўлдиришлари шарт эмас. Жадвал ишлашга йўналтириш учун тавсия қилинади. Ҳар бир сўзни алоҳида изоҳлашлари мумкин.

Бобнинг иккинчи фасли **“Бадий асарлар морфологик бирлик ва шаклларларининг таҳлили прагматик компетенцияни ривожлантириш омили сифатида”** деб номланган.

Тилнинг эстетик кўриниши айтилаётган ифоданинг бадийлигида, прагматикасидадир. Бадийлик ва прагматиканинг асоси сўз ҳамда сўзнинг грамматик шакллари бўлиб, уларнинг серқирра маъно нозикликларида жозибадорлик, эмоционаллик-экспрессив таъсирчанлик ва мантикий тугаллик намоён бўлади. Муайян грамматик шакл, грамматик ҳамда луғавий маънога эга сўзнинг ҳаёти ҳам, тақдир ва хизмати ҳам аслида туйғуга боғлиқдир. Сўзлар руҳий, маънавий воқелик ифодасидирки, уларга таяниб, шахснинг табиати ва характери, диди, дунёқарашини англаш мумкин. Мактабда она тили таълимида грамматикага доир масалалар 6-9-синфларда тўрт йил давомида ўқитилар экан, сўзни грамматик шакл ҳамда воситалар билан яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилиб, ўз ўрнида шароитга кўра мақсадга мувофиқ қўллаш кўникмаларини, яъни прагматик лаёқат, қобилиятларини шакллантириш, такомиллаштиришга қаратилиши лозим.

Жорий дарсликлар кесим гапнинг мутлоқ ҳоким бўлаги назарияси асосида яратилаётгани боис морфологияни ўрганиш феъл сўз туркуми билан бошланган. Дастлабки қоидалардан сўнг “Ўтимли ва ўтимсиз феъллар” мавзуси ўтилади. Дарсликнинг ўзида феълнинг бу категориясини прагматик хис қилдириш учун машқлар, матнлар етарлича берилган. 6-синф она тили дарслигининг 103-машқи: Синфдошларим бирам яхши, бирам содда, бирам дилкаш. Қизлар ҳам, болалар ҳам — ҳаммаси мени яхши кўришади. Фақат битта бола бор. Суюн. Лақаби «Бургут». Ҳамма уни «Суюн бургут» дейди. Ўзиям жуда ғалати. Битта кўк қашқа оти бор... Мактабгайм ўша дулдулини ўйнатиб, хуржунига дўмбирасини солиб келади. Танаффус бўлди дегунча дўмбирасини чалиб, ҳаммани оғзига қаратади, гоҳ кулдиради, гоҳ (лоф эмас, моможон) йиғлатади. (О. Ёқубов)<sup>1</sup>

Ўқувчилар ўтимли ва ўтимсиз феълларни прагматик ёндашув асосида таҳлил қиладилар. Матндаги дастлабки феъл – учинчи гап кесими бўлиб келаётган яхши кўришмоқ сўз бирикмаси. Ўқувчилар дарсликдаги қоида ва ўқитувчининг тушунтиришидан келиб чиқиб, унинг ўтимли феъл эканлигини қийинчиликсиз аниқлайдилар. Ўқитувчи кесимни бошқа феълга алмаштириб, уни ўтимсиз феълга айлантириш топшириғини беради. У шундай ифодада бўлиши мумкин: *Ҳаммаси менга яхши муносабатда бўлишади. Ўқитувчи шундай топшириқ беради: Кесимлари ўтимли ва ўтимсиз бўлган бу икки гапни солиштиринг. Улар ифодалаётган умумий ва фарқли маъноларни аниқланг. Ушбу нутқ вазиятига қайси ифода мос тушишини белгиланг ва фикрингизни исботланг.*

Муҳокамаларда маълум бўладиги, ўтимли ёки ўтимсизликни юзага келтираётган феълларнинг биринчисида ҳам табиий илиқ туйғу, ҳам ижобий,

<sup>1</sup> Mahmudov N., Nurmonov A. va boshqa. Ona tili. 6-sinf darsligi. – Toshkent: Tasvir, 2017. – B. 40.

иккинчисида жорийланиши аниқ бўлмаган ижобий муносабат ифодаланган. Демак, вазият ва муҳитга кўра бадий матндаги жумла (яъни ундаги ўтимли-ўтимсизликка кўра феъл шакли) мақсадга мувофиқ қўлланган.

Дастурга кўра 6-синфда “Феъл нисбатлари” мавзусини ўрганиш учун салмоқли соатлар ажратилган. Ўқитувчининг вазифаси ҳар бир нисбат шаклига хос бўлган маъно нозикликларини ўқувчиларга сингдириш, бу шаклларни оғзаки ва ёзма нутқ фаолиятида амалий қўллаш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Бунинг учун мавзуларни ўтишда ва ўтиб бўлингач, шу синф адабиёт дарсларида дастур бўйича асарлар ўрганилар экан, таҳлил давомида нисбат шаклларини прагматик нуқтаи назардан жўяли қўлланганини шарҳлаб кетиш ўринлидир.

6-синфда она тили фанидан “Феъл нисбатлари” мавзуси ўтилган чоракда адабиётдан Саид Аҳмад ижоди ўрганилади. Ёзувчининг дарсликдаги “Қоплон” ҳажвий ҳикояси охирги жумлалари бу борада эътиборга молик. Муаллифнинг сўз ва сўз шакллари тўғри, ўринли қўлагани, унинг қаҳрамонлари “ўз мавқеига хос бўлган ижтимоий доира чегарасида”<sup>1</sup> топиб сўзлашлари таҳлил давомида ойдинлаши очиб берилиши лозим. Бунда, албатта, ўқувчиларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, савол ва топшириқлар ифодаси тушунарли бўлиши муҳимдир.

Феълнинг ҳар бир категорияси, шакллари она тили дарслигидаги машқлар, адабиёт дарслигидаги асарлардан олинган парча мисолида прагматик нуқтаи назардан таҳлилга тортилади.

От сўз туркуми категориялари худди олдинги тил сатҳларида бўлганидек, уларнинг номланишини изоҳлатиш билан ўрганишга киришилади. Масалан, “Келишик шакллари” мавзуси ўтилганда, “келишик” атамаси икки сўзни келиштириш (боғлаш) билан алоқадорлиги тушунтирилади. Шунингдек, ҳар бир келишик шакли унинг номланиши билан грамматик вазифаси ўртасидаги алоқадорликдан келиб чиқиб прагматик лаёқат онглилик тамойили асосида шакллантирилади: бош келишик отларнинг қўшимчаларсиз бош шакли, бошқа шакллар унга ўзининг қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил бўлади. Иккинчи “қаратқич” атамаси ўзи қўшилган сўзни кейинги сўзга қаратади, яъни қарашли қилиб қўяди. Тушум келишигидаги сўзга феъл боғланиб, ҳаракат ёки ҳолат шу сўзга тушади. Жўналиш эса нарса, белги, ҳаракат ёки ҳолатнинг йўналишини билдиради – йўналиш томонга жўналади. Бошқа мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларига шу шаклда ёндашиб, 6-синф адабиёт дарслигида берилган асарлар мисолида таҳлил қилиш йўсинлари баён этилган.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли **“Синтаксис”ни ўрганиш жараёнида прагматик компетенцияни ривожлантириш** тарзида номланиб, унда матнларни услубий таҳлил қилиш орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни такомиллаштириш шакллари ва усуллари тўғрисида сўз юритилади. Она тили фанида ўрганилган билимларни айнан услубият бўлимида амалий қўллаш кўникмалари ривожлантирилади, малака

---

<sup>1</sup> Крысин Л.П. Речевые общении и социальные роли коммуникантов // Социолингвистические аспекты изучения современного русского языка. – Москва: Наука, 1989. – С.142.



даражасида мустаҳкамланади. Ҳар бир тил услубини ўрганиб, уларга хос хусусиятлар ўзлаштирилгач, 10-синф “Адабиёт” дарслигидаги халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ҳамда янги давр адабиёти намуналари прагматик нуқтаи назардан таҳлилга тортилади. Бунда алоҳида олинган сўз ёки бирикмалар эмас, балки аҳамиятли жумлалар, ўрни билан матн бўлаклари ўрганиш объекти бўлади. Ишда қуйи синф “Адабиёт дарсликлари”даги турли услубга хос парчалар ҳавола этилиб, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Ишнинг **“Тажриба-синов ишларининг мазмуни ва натижалари”** номли учинчи боби икки фаслни ўз ичига олади. **“Тажриба-синов ишларининг мазмуни ва ташкилий жиҳатлари”** номли биринчи фаслида ўтказилган тажрибалар мазмуни, амал қилинган тамойиллар, олиб борилган ишлар таҳлили муҳокамага тортилади. Эришилган ижобий натижалар ҳамда камчиликларга муносабат билдирилади.

Умумтаълим мактабларининг 5-синф Она тилидан ўқув дастурига киритилиб, ўқитиб келинаётган “У ва и унлиларининг талаффузи ва имлоси” мавзуси шу синф Адабиёт дарслигидаги мақол ва топишмоқлар билан, 6-синфда феъл нисбатлари Одил Ёкубовнинг “Музқаймоқ” ҳикоясидан, 7-синфда олмошлар Мирмуҳсиннинг “Меъмор” романидан олинган парчалар билан, 8- ва 9-синфларда синтактикага оид мавзулар мумтоз ва янги давр адабиётига оид матнлар таҳлили билан мустаҳкамланиб, грамматик шакл ва кетегорияларни ҳам назарий, ҳам амалий ҳис қилишлари, идрок этишлари, уларни оғзаки ва ёзма нутқда мақсад, шароит ва муҳитга кўра ўринли қўллаш компетенциялари шакллантирилади ва ҳолат берган педагогик самара муҳокама этилади.

Бобнинг **“Тажриба-синов натижалари таҳлили”** тарзида номланган иккинчи фаслида натижалар умумлаштирилган. Ўтказилган тажриба-синов ишлари ҳақида умумий қилиб шуни айтиш мумкинки, синфлар юқорилаб боргани сари тажриба синфларида ўқувчиларнинг матн таҳлили орқали ўқувчилар прагматик компетенциялари ривожланиб борди, матнлар устида ишлаш, тил ҳодисаларини назарий ва амалий идрок этиш, ҳис қилиш даражалари ўсди, фикрлари нисбатан теранлашиб борди. Албатта, бу болаларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқадиган табиий ҳолатдир. Мисол учун, бошланғичдан юқори синфга ўтган 5-синф ўқувчилари табиатида тақлид қилиш, буюрилганни бажариш одати етакчилик қилади. Бу ёшда ижрочилик кучлилиги кузатилади. Бу билан бирга тавсия этилган маълумот ва билимларни тез, юқори иштиёқ билан ўзлаштирадилар, дастурда белгиланган кўникма ва малакаларни ҳам шакллантириш бир қадар енгил кечади. 7-8-синф ўқувчиларида эса шахсий қизиқишлар юқори бўлади. Бошқаларни кузатиш, уларни баҳолаш, воқеликка танқидий назар билан муносабатда бўлиш ортиб боради. Шу боис ҳам бадиий матнни тил сатҳлари бўйича анализ ва синтез жараёнида, тил бирликларига нутқ вазиятларида прагматик ёндашиш борасида ўзига хос муносабат шакллана боради, мустақил фикр, эркин мулоҳаза юритиш лаёқатлари ривожланади. Бу диссертацияда келтирилган 3.2.1-, 3.2.2-, 3.2.3-жадвалларда яққол кўринади.

Она тили тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба ишларида 903 ўқувчи иштирок этди. Бу ўринда тажриба-синов ишларининг умумий ҳолатини акс эттирувчи 3.2.5-жадвалини келтириш билан кифояланилди. Натижалар қуйидагича (3.2.5-жадвалга қаранг):

### 3.2.5-жадвал

#### Назорат ҳамда тажриба синфлари учун математик-статистик таҳлилнинг умумий кўрсаткичлари

Синфлар	Ўқувчи сони	Баллар нисбати			
		“5”	“4”	“3”	“2”
Назорат синфларида	151	18	29	75	29
Тажриба синфларида	151	71	39	27	14

Ушбу жадвал асосида назорат ва тажриба синфларидаги баҳолаш натижаларига мувофиқ частоталар тақсимотини тузамиз:


